

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 5

08 июнь 2022 йил

Бағдод шаҳарчаси.

Икки томонлама ҳўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ўз низомига асосан фаолият юритувчи Бағдод туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ж.Шерғозиев (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томон ва иккинчи «PREMIUM-CONSTRUCTIONS-GROUP» МСНЈ номидан раҳбар И.Мамажонов (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

1. ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ:

1.1 «Пудратчи» ўз кучи, асбоблари, механизмлари билан «Буюртмачи»га қарашли Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли биноси шартномага илова қилинган 23.05.2022 йил кунги №43184 экспертиза ҳулосаси ва сметага мувофиқ жорий таъмирлаш ишларини амалдаги техник шартларга риоя қилган ҳолда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2 «Пудратчи» тегишли проект-смета ҳужжатларига мос ҳолда «Буюртмачи» томонидан жорий таъмирлаш ишларини келишилган вақтда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлиқ тайёр ҳолда ўз муддатида «Буюртмачи»га топширишни ўз зиммасига олади.

1.3 «Пудратчи» иш бажариш вақтида жорий таъмирлаш ишлари учун кетадиган қурилиш материаллари ва ишчи кучини ўз ҳисобидан ўзи таъминлайди.

1.4 «Пудратчи» жорий таъмирлаш ишларини 30 иш кунида тамомлаш мажбуриятини олади. «Пудратчи» томонидан қилинган ишлар яқунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «Буюртмачи» ўзининг мутахассислари билан биргаликда қабул қилиб олади.

2. ШАРТНОМАНИ БАҲОСИ

2.1 Шартноманинг умумий баҳоси 212.495.800 (Икки юз ўн икки миллион тўрт юз тўқсон беш минг саккиз юз) сўмни ташкил қилади.

2.2 Шартнома баҳоси ў ичига КМИ материаллар баҳоси тафовутини олади.

3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1 Ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» ҳисоб рақамига олдиндан 30% аванс тўловини ўтказиб беради.

3.2 Тўлов шакли «Пудратчи» томонидан Ф-2, Ф-3 ҳужжатларини тасдиқлангандан сўнг солиштирма далолатномаси ва ҳисоб фактурага асосан «Буюртмачи» «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига тўғридан тўғри пул ўтказиб беради.

3.3 Шартнома бўйича охириги ҳисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан сунг 5 кунидан кечиктирмай «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1 «Пудратчи» Ушбу шартномани 1-булимида назарда тутилган ишларни шартнома Ғазначилик бўлими рўйхатдан ўтказилгандан кундан 30 иш куни муддатда бажаради. Яъни 10.06.2022 йилдан 14.07.2022 йилгача жорий таъмирлаш ишларини бажаради.

4.2 Ушбу шартнома 08.06.2022 йил 31.12.2022 йилгача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, Ғазначилик (бўлими)да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ҳар иккиси ҳам қонуний қучга эга.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 «Пудратчи».

5.1.1 Ўз кучи техника воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатда ишларни «Буюртмачи» га меърий ҳужжатлар талабига ва қоидалари асосида топшириш;

5.1.2 Объектга лойихага биноан бўлган материалларини конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш тушириш тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириш;

5.1.3 Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субподряд шартномани тузгани тўғрисида «Буюртмачи» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.

- 5.1.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қурилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни бажарилишини таъминлаш;
- 5.1.5 Объект сугуртасини амалга ошириш ;
- 5.1.6 Жорий таъмирлаш ишларинида назорат органлари томонидан текширишда ортиқча қилинган харажатлар аниқланса бу харажатлар «Пудратчи» томонидан тўланади.
- 5.2 «Буюртмачи»
- 5.2.1 Календар иш режаси белгиланган ҳажмда ва муддатда ҳажми топшириш;
- 5.2.2 У шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «Пудратчи»га ҳақ тўлаш;
- 5.2.3 «Пудратчи» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиш мажбуриятларини олади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1 Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бўлганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар баҳосининг 0,5 % ҳисобида пеня тўлайди, лекин шартноманинг 2,1 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.
- 6.2 Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаган ёки лойиҳа даражада бажармаган ҳолларда айбдор тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани қўшиб қурган зарарни қоплайди.
- 6.3 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш ҳуқуқий бартараф этишдан озод этмайди.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва қарантиллаб қўлади.

7.2. «Буюртмачи» «Пудратчи»га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қарантиллаб қўлади ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), Буюртмачи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, «Пудратчи»нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши тоинларнинг таъсири ва истакларига боғлиқ бўлмаган вақтинча ёки узоқ вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга ҳалақит берадиган вазиятлар содир бўлганда (яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити ҳуқуқат тадбирлари ҳокимият органлари қарорлари, ҳарбий низолар ички тартибсизликлар) ва бошқа ҳолларда юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафида шартнома мажбуриятлари бузулган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади .

8.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон дарҳол иккинчи томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги шунингдек бартараф этганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.

8.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки улар бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида (5 кун ичида) хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди .

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан пайдо бўлган барча низолар ёки қелишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

9.2 Агарда қелишувга эришилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда «Пудратчи» жойлашган жойдаги иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

10. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР ҚИРИТИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартнома ҳар қандай қиритилмаган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб ҳар икала томон имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

- 10.2. «Буюртмачи» куйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
 10.2.1 «Пудратчи»нинг айби билан ишларни боришини сустраслик билан муддати 10 кунга ошиб кетганда.
 10.2.2 «Пудратчи»нинг шартнома шартларини бузиш натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда.
 10.3. «Пудратчи» куйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
 10.3.1 «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича жорий таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда:
 10.3.2 «Буюртмачи» томонидан лойиха ҳужжатларини ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ҳолда ишларни баҳоси 50% кунига камайганда.
 10.3.3 «Буюртмачи» томонидан кейинчалик қурилиш, молиялаш имконияти йўқотилганда.
 10.4. «Буюртмачи» «Пудратчи» нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар ҳажми қийматини тўлайди.
 10.5. Шартнома бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборилади.

11. БОШҚА ШАРТЛАР

- 11.1. «Пудратчи» амалдаги тартиб ва қоидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1 йил муддатга кафолат беради.
 11.2. Хар иккала томон Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида фаолият кўрсатадилар.

12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАДЧИ

Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси	«PREMIUM-CONSTRUCTIONS-GROUP» МЧЖ
Манзил: Бағдод шаҳарчаси Бирдамлик кўчаси	Бағдод тумани Янги Фарғона йўли кўчаси
Х/Р: 23402000300100001010	Телефон: : +99890-230-10-70
Банк: Марказий банк Тошкент ШББ	Х/р: 20208000200356032001
МФО: 00014	МФО 01087
ИНН: 200 158 873 Ғазна ИНН 201122919	Капитал банк Кукон филиали
ШХР: 400322860302097073101054004	ИНН 302982099
ОКОНХ: 91511	ОКОНХ 61110
Раҳбар:  Ж.Шергозиев	 И.Мамажонов



YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi – Shartnoma
2. Loyihaning nomi- Pudrat shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot
Shartnoma loyixasi Bag'dod tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan
ishlab chiqilgan va 06 iyun 2022 yil kuni taqdim etilgan.

Bag'dod tuman tibbiyot birlashmasi va “PREMIUM-
CONSTRUCTIONS-GROUP” MChJ o'rtasida 212.495.800 (Ikki yuz o'n ikki
million to'rt yuz to'qson besh ming sakkiz yuz) so'mlik pudrat shartnomasi

Shartnoma loyixasi amaldagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining
2018 yil 27 sentyabrdagi PQ-3953-sonli qarori ,xo'jalik yurituvchi sub'ektlar
faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida “gi O'zbekiston
Respublikasi Qonuniy va O'zbekiston Respublikasi fuqarolik kodeksi talablari
asosida ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bag'dod tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti:
08.06.2022



Y.Qo'ziev